

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МУСТАҚИЛ ИШЛАШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Арофат Исроиловна Худайбердиева

Тошкент кимё-технология институти, п.ф.н., доцент

АННОТАЦИЯ

Мақолада талабаларнинг билимларининг узвийлигини таъминлашда талабаларнинг мустақил фикрлашлари, ижодкорликлари, фаолликлари, ўқув мақсадларига муносабатларининг чуқурлашиб ҳамда бойиб бориши, характер ва дунёқарашларининг турғунлашуви ҳамда ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши каби ҳолатлар тавсифланган.

Калит сўзлар: мустақил фаолият, мустақил ишлар, мустақил фикрлаш, ижодкорлик, фаоллик, ўқув мақсадлар, мустақил таълим.

КИРИШ

Таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, унга таълим бериш жараёнини сифат жиҳатдан такомиллаштириш тақозо этмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида ҳам шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти сифатида эътироф этилган. Бу эса замонавий таълим тизимида шахсни фақат педагогик таъсир кўрсатиш обьекти эмас, балки билим олиш субъекти сифатида қаралишини, унинг таҳсил олувчи сифатида ўз имкониятларини юзага чиқариши учун зарур шарт-шароит яратилишини шарт қилиб қўяди [1].

Талабаларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш, эскилик сарқитларидан воз кечиши, уларни янгилари билан алмаштириш, чукур билим, тинимсиз изланувчанликни талаб этмоқда. Бунинг учун мустақил таълимни талаблар асосида ташкил этиш ва шу орқали талабаларнинг мустақил фикрлаш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Тайёрланаётган кадрларнинг онглилиги, мустақиллиги ва ижодкорлик каби сифатларини ривожлантириш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки, фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўз муаммоларига мақбул ечим топа олади, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлади. Бундай қобилият дастлаб оиласда, кейинчалик эса таълим муассасаларида шаклланади. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи турли маслаҳат, тавсия, топшириқ ва янги маълумотларни берадиганда, дарснинг турли босқичларида мустақил

таълимни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш, текшириш ҳамда бажариш ишларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Мустақил таълимни назарий ва амалий жиҳатдан ташкил этиш чукур билим ҳамда юксак маҳоратни талаб этади. Агар талабаларни ўкув материалларидан муҳимини ажратиб олиш, далилларни тўғри баҳолаш, таҳлил килиш ҳамда амалиётда қўллай олишга ўргатсак, шундагина мустақил таълим натижаси самарали бўлади.

Бугунги кунда таълим муассасаларида талабаларни мустақил фаолият юрита олиши уларнинг тайёргарлик даражасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Талабанинг мустақил фаолият юритиш сифатига фақатгина кўрсатмаларга биноан фаолият кўрсатувчи оддий ижрочи эмас, балки масалалар ечимиға ижодий ёндошиб, янгиликлар яратувчилик қобилияти муҳим аҳамият касб этади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Психологик-педагогик манбалар таҳлили бўлажак мутахассисларнинг мустақиллиги турлича йўналишларда талқин этилганлигидан далолат беради. Мустақиллик учун энг характерли ҳусусият шахсда ўз ғояси ва ишончининг мавжудлиги, фикрлаш малакаси, вазият ва шарт-шароит жамоага касбий мослашувни тўғри тушуниш, оқилона қарор қабул қилиш, ўз мақсадига эришишда сабот билан ишлаб, фикрининг тўғрилигини исботлашдан иборат эканлиги А.С.Лында, Э.Ф.Зеер, У.Нишоналиев, К.К.Платонов, Н.С.Сайидаҳмедов ва бошқаларнинг ишларида таъкидлашган. Зикр этилган олимларнинг фикрича, инсон ўз фаолиятини ўзи бошқариши шарт. Акс ҳолда кўйилган мақсадга эришишга халақит берувчи ўзига хос тўсиқ ва муаммоларга дуч келади. Ҳар кандай ишни мукаммал бажариш учун чукур ва пухта билим, малака ва сабр-тоқат зарурлигини таъкидлашган.

В.Д.Иванов, В.А.Кан-Калик, Н.А.Муслимов ва бошқалар касбий-педагогик мустақиллик маҳсус мустақил ишларни бажариш жараёнида шаклланиши мумкин деб ҳисблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, таҳсил олувчиларнинг мустақил ишларни бевосита ўқитувчилар раҳбарлигига бажаришлари уларда касбий-педагогик қобилиятлар ва ижодий изланувчан муносабатларни шакллантириш имконини беради. Чунки, талабаларнинг мустақил ишларни ташкил этиш асосида изланувчан ўқув-билиш фаолияти ётади. Уларнинг характеристири ўзгариб, намунага биноан ишлардан тортиб, то ижодий ишларгача мураккаблашиб боради. Мустақил ишларни бажаришда талаба ўз ишини оқилона

режалаштириш, амалга ошириш ва ўз-ўзини назорат қилиб бориши муҳим ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида талабаларнинг мустақил ишлари муҳим аҳамиятга эга. Мустақил ишлар билиш муаммоларини юзага келтириш, ўкув вазифалари ечимини топиши, ўзлаштирилган билимларни мустахкамлаш, лаборатория-амалий мазмундаги машқларни бажариш, кўникмаларни такомиллаштириш, дастлабки малакаларни шакллантириш кабиларни қамраб олади. Шахснинг ақлий мустақиллиги бевосита касбий мустақилликнинг таркибий элементи ҳисобланиб, билиш фаолиятида ўз ифодасини топади.

Психологлар талаба ўз ташқи хатти-ҳаракатларидан ички фикрлашига ўтишида мустақиллик қобилияти таркиб топади деб изоҳлайдилар. Ақлий мустақиллик шахс мустақиллигининг зарурый таркибий қисми бўлиб, у ўз навбатида фаол ҳаётий нуқтаи-назарни шакллантириш асоси зарурый шартидир. Талабаларнинг мустақил ишлари - ўкув жараёнининг таркибий қисмидир. Ўкув жараёни ёпиқ тизим, у ўзига хос кириш ва чиқишга, маълум маънода бошқарилувчилик хусусиятига эга. Шу жиҳатдан олиб қаралганда талабаларнинг мустақил ишларини ҳам бошқариш имконияти мавжуд,

Хозирги замон талабларидан келиб чиқиб яратилган янги намунавий ўкув дастурларида деярли барча фанларга мустақил таълим соатлари ажратилгандир. Ана шу ажратилган соатлардан талабаларга билим беришда ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш ўқитишининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Талабаларнинг мустақил таълим олиш самарадорлигини оширишда қуидаги омилларни янада кучайтириш зарурдир.

1. Ҳар бир талабанинг ўқитилаётган ўкув фани бўйича дарслик, ўкув қўлланмалари, маъруза матнлари ва бошқа ўкув-услубий материаллар билан тўлиқ таъминланишига эришиш;

2. Ўкув режасида мустақил таълим мавзуларини ўзлаштириш учун зарур бўлган асосий ва қўшимча адабиётларни аниқ кўрсатиш;

3. Барча талабаларнинг мустақил таълим кўникмаларини ҳосил қилиш ҳар бир гурухга талабага индивидуал ёндошувга эришиш;

4. мустақил таълим бўйича талабаларнинг олаётган билими ва ўзлаштириш даражасини доимий назорат қилишга эришиш.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг билимларининг узвийлигини таъминлашда талабаларнинг мустақил фикрлашлари, ижодкорликлари, фаолликлари, ўкув

мақсадларига муносабатларининг чуқурлашиб ҳамда бойиб бориши, характер ва дунёқарашларининг турғуллашуви ҳамда ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши каби ҳолатлар билан тавсифланади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мустақил иш ўқув жараёнининг муҳим ташкилий қисмидир. Талабалар мустақил иши - ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириклар, амалий вазифаларни аудиторияда [2] ҳамда аудиториядан ташқарида [3] ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўнікма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишнинг турлари ва кўринишлари

Талабалар мустақил иши турлари	Ўқитувчини бошқариши
<ul style="list-style-type: none">- фанга оид ўқув материаллари бўйича маъruzani kайд қилиш;- адабиётлардан матн тайерлаш;- китоб ва мақолаларни аннотациялаш;- реконструктив-вариатив, эвристик турдаги мустақил ишларни бажариш- адабиётлар-илмий тадқиқотнинг чуқурлаштирилган таҳлили, эксперимент ўтказиш;- маъruzada ишлаш: маъruzani ўқишини кузатиш ёки тузиш, маъруза конспектини ишлаб чиқиш. Тавсия қилинган адабиётлардан фойдаланиб конспектни тўлдириш;- Семинар ишларида қатнашиш: конспект тайёрлаш, семенарда чиқиш, рефератлар, топшириклар бажариш;- Амалий-лабаратория машғулотлари: йўриқнома ва методик кўрсатмалар асосида; натижалар олиш;- Мустақил, назорат, курс ва битирув ишларни бажаришда ижодий фаоллик;- Назорат иши-ёзма бажариш;- Амалиёт давомидаги кузатишлар ва материал йиғиш бўйича топшириклар бажариш.	<ul style="list-style-type: none">- Қайд этилган материалларни назорат қилиш;- Мавзу юзасидан матнларни текшириш- Реконструктив-вариатив, эвристик турдаги топширикларни таҳлил қилиш;- Махсус семинар, мавзу бўйича картотека тузиш; ишланган адабиётлар бўйича сұхбат, кейинги ишлар режасини тузиш, маълумот олиш методикаси ишланмаси;- Маъруза давомида ёки охирида ўқувчиларга шундай режа таклиф қилиш ёки ўзларини режасини туздириш;- Семинар режасини ишлаб чиқиш, адабиётлар тавсия қилиш, топширикларни текшириш;- Методик кўрсатмалар тузиш ҳаракатлар алгоритмини яратиш;- Назорат, курс ва битирув ишлар, консультациялар тематикасини ишлаб чиқиш, уларни бошқариш;- Назорат ишларини ишлаб чиқиш, текшириш;- Топшириклар ишлаб чиқиш, текшириш.

Талабаларнинг адабиётларни ўрганишларида материалнинг узвийлигини таъминлаш, мустақил ишларни

бажаришда билимларнинг оддийдан мураккабга қараб такомиллашиши билим, кўникмаларининг ривожланишига сабаб бўлади. Ўқув адабиётларини ўқишида тақрорий ўқиш мажбурий шарт ҳисобланади. Мустақил ўқиш жараёнида ўқилган материалларга ижодий, танқидий муносабатда бўлишга ўрганиш, олган билимларини ўзининг амалий фаолиятида қўллашга ҳаракат қилишда жуда муҳимдир. Бўлажак мутахассисларни умумкасбий фанлар бўйича ўқитиши жараёнида ўқув қўлланмалари билан ишлаш малакаларини такомиллаштириш керак. Бунда талабаларни янги ўқув материалини идрок қилишга яхши тайёрлаш учун уларга қўлланманинг маълум бўлимини ўқиш вазифа қилиб берилади. Шунингдек, талабаларга қўлланма бўйича меҳнат обьектлари билан танишиш ва уларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган технолагик жараёнлар тартиби тўғрисида ўйлаб кўриш топширигини бериш мумкин.

Олий ўқув юрти талабаларининг адабиётлар билан мустақил ишлаш жараёнида уларнинг билимларининг узвийлиги таъминланади, такомиллашиб, мустаҳкамланиб боради.

Бундай иш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- бажарилаётган ишлар билан боғлиқ бўлган уй вазифаларини бажаришда дарслик ва ўқув қўлланмаларини мустақил ўқиш;
- ишлаб чиқариш вазифаларини хал этишда маълумотномалар, давлат стандартлари ва меъёрий хужжатлар билан ишлаш;
- хавфсизлик техникаси, дастгоҳ ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва уларга техник хизмат қўрсатиш бўйича қоида ҳамда йўриқномаларни ўрганиш;
- ишлаб чиқаришнинг сўнги ютуқлари ва илғор тажрибалар тўғрисидаги журнал мақолаларини ва интернет вебсайтларини ўқиш.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мустақил таълимни мақбул ташкил этиш учун аввало таълимнинг моддий-техник, илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш; мустақил таълимнинг меъёр ва мезонларини аниқлаш; талабаларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, мустақил таълимнинг аниқ мақсадларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки мақсадни мўлжал сифатида аниқ олган талабалар кўп куч ва вақт сарфламасдан кўзланган натижага эришадилар.

REFERENCES

1. Усубовіч, О. О., & Зокірова, Д. Н. Mustaqil o'rganishga

- undovchi ta'lim berish usullari va ularning samaradorligi. Міжнародний науковий журнал «Інтернаука». № 1 (23), 1 т., 2017. С.50-52.
2. Зокирова, Д. Н. (2018). "Электромеханика" фани мисолида аудиторияда ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари. *Научное знание современности*, (4), 22-27.
3. Зокирова, Д. Н. (2018). "Электромеханика" фани мисолида аудиториядан ташқарида мустақил таълим олиш шакллари. *Научное знание современности*, (5), 78-83.